



2020 у «5» июнь

№ Қ-246

«   »     20    г

**Термиз тумани Нурафшон маҳалласи худудидан “Agro Tomato Trade” оилавий корхонасига “Иссиқхона биноси”ни куриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/260-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 12 майдаги 206/01-42-сонли хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/260-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани Нурафшон маҳалласи худудидан “Agro Tomato Trade” оилавий корхонасига туман ҳокимлиги заҳирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 161қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 38,5 балл бонитетли 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни куриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Agro Tomato Trade” оилавий корхонаси раҳбари Х.Чориевга ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**